

**ШАРТНОМА № А-08**  
(МЕҲМОНХОНА ХУДУДИДА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА)

Наманган шаҳар

07.01.2022 й

(кун.ой.йил)

Низом асосида фаолият олиб боровчи "AKHSIKENT HOTEL" МЧЖ (кейинги ўринларда «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади) номидан ушбу жамият директори Мухамадалиева Н.Д. бир тарафдан, АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК" (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан бошқарувчиси С. Омиров иккинчи тарафдан, ушбу шартномани куйидагилар

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУММАСИ**

- 1.1. "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"га Наманган вилояти Наманган шаҳри Шимолий айланма йўли 46-уйда жойлашган «AKHSIKENT HOTEL» МЧЖ меҳмонхонасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса, кўрсатилган хизматлар учун "Хизмат кўрсатувчи"га ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақи ҳар бир ҳолатда "Буюртмачи" томонидан **буюртма берилган кун** амалда бўлган меҳмонхона прејскуранти (нархномаси) буйича белгиланади, ҳамда шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.3. Ҳар бир буюртма бўйича хизмат ҳақининг умумий суммаси буюртмада кўрсатилган умумий хизмат кўрсатиш муддати ва меҳмонхона прејскурантидан келиб чиқиб, ўзаро келишилган ҳолда ҳисобланади.
- 1.4 "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи" нинг буюртмасига биноан олдиндан 50% тўлов қилиш шarti билан қўшимча хизматлар кўрсатилиши мумкин. (конференц зал ижара, ресторан хизмати ва х.з.о).
- 1.5. Умумий шартнома суммаси кўрсатилган хизматлар бўйича **Ҳисоб-фактурага** асосан амалга оширилади

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. "Буюртмачи" кўрсатилган меҳмонхона хизматлари учун тўловни "Хизмат кўрсатувчи"нинг банкдаги ҳисобварағига меҳмонхона хизмати кўрсатиб бўлинганидан кейин 3 (уч) кун муддат ичида (қўшимча хизматлар учун тўлов олдиндан 50% ни ташкил этади 1.4-банд) **Ҳисоб-фактурага** асосан, пул ўтказиш, нақд пул тўлаш ёки пластик карточка орқали тўловни амалга оширади..
- 2.2. Олдиндан тўланган тўлов миқдоридан ортиқча хизмат кўрсатилган тақдирда "Хизмат кўрсатувчи" томонидан ёзилган ҳисоб-фактура тақдим этилганидан сўнг Буюртмачи томонидан 10 кун ичида хизмат ҳақи тўлаб берилади.
- 2.3. Кўрсатилган хизмат учун тўлов нархлари тарафларнинг келишуви асосида 1-сонли иловага (прејскурант) асосан белгиланади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"нинг барча муружаатларини зудлик билан кўриб чиқади ва 3 кун ичида қарор қабул қилади;
- 3.2. "Буюртмачи" меҳмонхона ҳудудида ўрнатилган тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилади ва меҳмонхонадан фойдаланиш жараёнида ўз айби билан меҳмонхона жихозларига етказилган моддий зарарни тўлиқ тўлашни ўзи зиммасига олади.
- 3.3. "Буюртмачи" мижозлар сони ва уларнинг меҳмонхона ҳудудига келишлари кун ҳақида "Хизмат кўрсатувчи"га 3 кун олдин ёзма равишда Буюртма хати орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.
- 3.4. "Буюртмачи" меҳмонхона ҳудудида бўлган пайтларда фойдаланишга ажратилган хонадаги ишламай қолган сантехника ва бошқа жихозлар ҳақида Хизмат кўрсатувчини огоҳлантиради.
- 3.5. "Буюртмачи" меҳмонхонанинг хоналарида санитария, техника хавфсизлиги қоидаларига ва меҳмонхона ички тартиб қоидаларига тўлиқ риоя қилади.
- 3.6. "Буюртмачи" меҳмонхона ҳудудини тарқ этаётганида меҳмонхона хизматчисига фойдаланилган хонани тўлиқлигача топширади, меҳмонхона хизматчиси хонани кўздан кечириб, ундан хонани тўлиқ қабул қилиб олганидан кейингина меҳмонхонани тарқ этиши мумкин.
- 3.7. "Хизмат кўрсатувчи" шартномада кўрсатилган тўлов миқдорида ва меҳмонхонанинг ички-тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда, "Буюртмачи"га белгиланган тартибда хизмат курсатиш, мавжуд ўзаро келишилган ҳолда камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, сифатли хизмат кўрсатиш шартнома ва илдовадаги ҳужжатларда акс эттирилган муддатга белгиланган меҳмонхонанинг ҳудудиди тақдим этиш ва сифатли сервис хизматини кўрсатиш мажбуриятини олади.

**4. АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАР.**

- 4.1. Агар Буюртмачи меҳмонхонага ташрифларини бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани келишидан 24 соат олдин тақдим этмаса, "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"дан бўнак сифатида тўлаб берилган маблағни 100 фоизи миқдорида ушлаб қолишга ҳақлидир.
- 4.2. Ушбу шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган бўнак тўлов шarti Буюртмачи томонидан бузилган тақдирда мазкур шартнома ҳақиқий эмас деб топилса, хизмат кўрсатувчи томонидан меҳмонхона ҳудудидаги ушбу хизматларини бошқа буюртмачиларга тақдим этиши мумкинлиги, шунингдек, шартнома бўйича барча хизматлар бажарилиб қўшимча кўрсатилган хизматлар учун шартнома бўйича кўрсатилган муддатда маблағ келиб тушмаса Бажарувчи Хизмат кўрсатувчидан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1 фоиз (бирок, тўланмаган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган) миқдорида жарима тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.
- 4.3. "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"нинг вакиллари томонидан меҳмонхонанинг жамоат жойларида эҳтиётсизлик ёки қаровсиз қолдириш оқибатида йўқолган пул ва қимматбаҳо нарсалар, буюмлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.
- 4.4. "Хизмат кўрсатувчи" ўз ходимлари томонидан буюртмачи бажариш жараёнида буюртмачининг мол мулки, буюмларига етказилган зарарни қонун доирасида қоплаб беришни ўз зиммасига олади.

*Кашлоқ қурилиш банк*

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Буюртмачи" мехмонхона хизматидан фойдаланганидан сўнг Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактурадаги сумма 10 кун ичида тўлиқ ҳисоб китоб қилиниши лозим. Агарда ҳисоб-фактурадаги сумма ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаса, Буюртмачи тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорда пеня тўлайди. Бунда пеня миқдори кўрсатилган хизматлар суммасини 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. "Буюртмачи" ёзма буюртма асосида олдиндан жой (хона) банд (брон) қилганидан сўнг ушбу жойдан банд (брон) қилинган кунларда фойдаланмаса (бир кун олдин банд қилинган жойни бекор қилиш ҳақида ёзма хабар бермаган бўлса) банд (брон) қилинган жой (хона)ни 1 кун учун прејскурант бўйича тўлиқ ҳақини тўлайди. Кейинги кунлар учун аввал қилинган банд (брон) бекор қилинган деб ҳисобланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Табиий офатлар (ёнгин, сув тошқини, zilзила ва хоказо) содир бўлганида тарафлар мазкур шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар. Бундай ҳолларда "Буюртмачи" ҳам, "Хизмат кўрсатувчи" ҳам бир-бирларидан компенсация ва бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақли эмаслар.

6.2. Табиий офатлар рўй берганида тарафлар зудлик билан ўзининг мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажара олмасликлари ҳақида хабардор қиладилар.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома шартларига риоя қилмаганда шартнома шартларини бузган ёки бажармаган тараф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига асосан жавобгар бўладилар.

7.2. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича барча низоли масалалар тарафларнинг ўзаро келишувлари йули билан хал этилади. Агарда ўзаро келишувга эришилмаса, низоли хал этиш мақсадида судга мурожаат этилади.

## 8. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

8.1. Шартномани бир тарафлама ўзгартириш мумкин эмас. Мазкур шартномага кўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда тузилиб, имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани иккала тараф вакиллари имзолаганидан сўнг кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### "ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ"

#### "АКХСИКЕНТ HOTELI" МЧЖ

Манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳри,  
Шимолий айланма йўли, 46-уй

Банк: ТИФ Миллий банк. Наманган ф

Х/р: 20208000100450867001

МФО: .00222

СТИР: 303256217. ОКЭД: 55100

Телефон: 78-777-07-77. 88-329-00-01

e-mail: hotelakhsikent@gmail.com

Директор:  Мухамадалиева Н.Д.



### "БУЮРТМАЧИ"

#### АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК"

Манзил:

Банк:

Х/р:

МФО:

СТИР:

Телефон:

e-mail:

Бошқарувчи:

AKSIYADORLIK TJO'RAT BANKI



"Qishloq qurilish bank" Namangan viloyatidagi filiali

Manzil: Namangan shahar, A.Navoiy ko'chasi, 70-a-u

Bank vakillik hisob raqami: 1610 3000 3000 0022 900

MFO: 00 229 INN: 200 048 980

OKONX: 96 120

 С. Олиев  
 О. Юлмурова





**ПРЕЙСКУРАНТ** (наرخномалар)**"AKHSIKENT HOTEL" МЧЖ**

(ташкилот, корхона, муассасалар номи)

**АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК"**

(ташкилот, корхона, муассасалар номи)

07.01.2022 йил куни тузилган № А/08 - сонли шартномага

асосан томонлар ўзаро қуйидаги шартларга келишилди:

т/р №	Хоналар категорияси	Ўлчов бирлиги	Кун бирлиги	Нархи (ККС билан)
1	СТАНДАРТ 1 (бир) кишилик	кун	1	300 000
2	СТАНДАРТ 2 (икки) кишилик	кун	1	450 000
3	СТАНДАРТ 3 (уч) кишилик	кун	1	650 000
5	ПОЛЮКС 2 (икки) кишилик	кун	1	550 000
6	ЛЮКС 2 (икки) кишилик	кун	1	750 000
6	ЛЮКС 4 (тўрт) кишилик	кун	1	1 150 000
7	Апартамент	кун	1	1 500 000

Бажарувчи:

Буюртмачи:

"AKHSIKENT HOTEL" МЧЖ

АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК"

Директор: Мухамадалиева Н.Д.

Рахбар:

М.Ў.



